



® РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ**



ИЖТИМОЙ ВА ГУМАНИТАР ФАНЛАР БЎЛИМИ

**11 – синф ўқувчилари учун
Тадбиркорлик асослари фанининг
“Инновацион фаолият” мавзусига бир
соатлик дарс ишланмаси**

*“Рақамли иқтисодиётнинг афзалликлари ва истиқболли
йўналишлари” мавзуси билан интеграция қилинади*

ТОШКЕНТ-2020



Тузувчи: Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази
Ижтимоий ва гуманитар фанлар бўлими иқтисодий фанлар методисти А.Н.Сатторов

**Тадбиркорлик асослари “Инновацион фаолият” мавзусига Рақамли
иқтисодиётнинг афзалликлари ва истиқболли йўналишлари
мавзусининг интеграцияси**

№	Рақамли иқтисодиётнинг афзалликлари ва истиқболли йўналишлари мавзуси	Соати	Таркибига интеграцияланадиган фанлар ва мавзулар
11-синф учун			
1.	Замонавий ахборот- коммуникация технологияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит tizimini яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш.	1 соат	Тадбиркорлик асослари “Инновацион фаолият”. (4-чорак)



Сана: _____

Фан: Тадбиркорлик асослари

Синф: 11

Дақиқа: 45

Мавзу: 27-мавзу “Инновацион фаолият”.

Таркибига интеграцияланадиган мавзу: Рақамли иқтисодиётнинг афзалликлари ва истиқболли йўналишлари.

Дарснинг шиори: “Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат фарзандларимиз”.

Дарснинг мақсади: Рақамли иқтисодиётнинг афзалликлари ва истиқболли йўналишлари тўғрисида маълумот бериш.

Дарснинг таълимий мақсади: Рақамли иқтисодиётнинг афзалликлари ва истиқболли йўналишлари, Инновациялар, корхонанинг инновацион фаолияти, инновацияларнинг туркумланиши, инновация ғоялари манбалари бўйича билим ва кўникма ҳосил қилиш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: ижтимоий-иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган муайян ҳаётий вазиятларда энг мақбул ечим топа олиш ва тўғри қарор қабул қилишга ўргатишдан иборат.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: Ўқувчиларни иқтисодий ва молиявий саводхонлиги ҳақидаги билим ва тасаввурларини кенгайтириш.

Дарс тури: Янги билим бериш, маъруза ва амалиёт уйғунлиги.

Дарс методи: Интерфаол методлар жумладан: “Ақлий ҳужум” методи ҳамда дарсни самарали ташкил этишда фойдаланадиган ўйинлар.

Дарс жиҳози: Дарслик, интернетга уланган компьютер, проектор, дарсга оид тақдимот плакатлари.

Дарснинг технологик харитаси:

Дарс ишланмасида интерфаол услублар учун қуйидагича белгилар қўлланилган.

М-Маъруза, АҲ-ақлий ҳужум, СЖ-савол-жавоб, МЕ-маиқ бажариш ёки мисол ва масала ечиш, Т-тест ечиш.

Дарснинг блок-чизмаси

№	Дарс босқичлари	Вақт	Усуллар
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа	
2	Янги мавзунини бошлашга тайёргарлик	7 дақиқа	СЖ.
3	Янги мавзунини ёритиш	17 дақиқа	М., АҲ.
4	Янги мавзунини мустаҳкамлаш	15 дақиқа	СЖ., МЕ.
5	Уйга вазифа	3 дақиқа	

1. Ташкилий қисм.

Ўқувчилар билан саломлашиш, давоматни аниқлаш, синф хонасини дарсга тайёрлигини ва тозаллигини кўздан кечириш.

2. Янги мавзунини бошлашга тайёргарлик.

Мазкур дарс, интеграциялашган мавзудан иборат бўлиб, бунда иқтисодиёт ҳўжалик юритиш тизими сифатида тавсифланади. Рақамли иқтисодиёт деганда, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларга рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизими тушунилади. Бундан ташқари интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ўқувчиларга тушунчалар берилади. Ушбу дарс “Ақлий ҳужум”, давра суҳбати, мунозара ва маъруза тарзида ўтказилади.

Ўқувчиларга янги ўрганишга киришилаётган мавзу номи “Рақамли иқтисодиётнинг афзалликлари ва истиқболли йўналишлари” мавзуси деб айтилади ва улардан: “Рақамли иқтисодиёт” сўзини қандай тушунади?— деб сўралади. 3 дақиқа давомида “Ақлий ҳужум” ўтказилади. Ўқувчиларнинг жавоблари тингланади ва жавоблар аниқ жумлалар орқали синф доскасига ёзиб борилади. Жавоблар ичидан рақамли иқтисодиётга оид маълумотлар алоҳида ажратилади ва улардан келиб чиқиб, ўқитувчи томонидан қуйидаги таъриф берилади.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

Рақамли иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

3. Янги мавзунини ёритиш.

А. Мунозара: Мунозара қуйидаги саволлар ёрдамида ўтказилади.

Рақамли иқтисодиётнинг белгилари нималардан ташкил топган?

Изоҳ: ўқувчилар жавоблари тингланади ва рақамли иқтисодиётнинг белгилари сифатида юқори даражада автоматлаштирилганлик, электрон ҳужжат алмашинуви, бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви, маълумотлар электрон базалари, CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги ва корпоратив тармоқлардан иборат эканлиги таъкидланади.

Рақамли иқтисодиётнинг асосий қулайликлари нима?

Изоҳ: ўқувчилар жавоблари тингланади ва рақамли иқтисодиётнинг асосий қулайликлари сифатида тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлқира ва бошқа ресурслар тежалани). Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади, рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катталиги, Фидбек



(истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади, тезроқ, сифатли, қулайликлардан иборатдир, деб ҳулоса қилинади.

Ўқитувчи томонидан мисол келтирилади.

Рақамли платформаларнинг ривожланиш соҳасидаги ёрқин мисоллардан бири сифатида “Alibaba” электрон савдо тизимига эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига рақобатли устунликлар яратилди. “Alibaba” бу – оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар тизимидир.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бизга нима беради?

Изоҳ: Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир. Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “Қора иқтисодиёт”нинг асосий қушандасидир. Чунки рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ҳамда қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ёки яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимооти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо.

Сўнг ўқувчилар диққати дарсликдаги расмларга қаратилади ва дарслик мавзуси учун мулоҳазасига 4-5та савол берилади. Ўқувчилардан расмлардан ташқари инновацион фаолият ҳақида сўралади. Инновациялар, корхонанинг инновацион фаолияти, инновацияларнинг туркумланиши, инновация ғоялари манбалари каби тушунчаларни рақамли иқтисодиётдаги алоҳида роли таъкидланади ва бунга эътибор қаратилади.

Б. Маъруза: Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт қай даражада ривожланган? Савол билан маъруза давом эттирилади. Бугунги кунда фойдаланувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун телеграмм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишонмоқдалар. Фақат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўртача харид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар. Эндиги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ва молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг ўз валютаси (криптовалюта, биткоин),



пул сақлайдиган кармони (блокчейн), ҳисоблаш усуллари (майнинг) каби терминлари ҳам мавжуд. Қисқача маъруза сифатида ёритилади.

Мунозара: Рақамли иқтисодиётни ким ривожлантиради? Савол ўртага ташланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади. Бундан ташқари Иқтисодиёт ва саноат, Молия, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирликлари ва бошқа қатор давлат тузилмалари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ўзига хос масъулият ва вазифаларга эга. Бу ҳақида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилгани айтиб ўтилади. Жавоблар тингланади ва умумлаштирилади.

4. Янги мавзунини мустаҳкамлаш.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамнафас бўлиб яшаши интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларининг фаоллашувига кенг йўл очмоқда. Бир томондан интеграцион жараёнларнинг ривожланиши замонавий АКТдан фойдаланишни тақозо этса, иккинчидан, бизнес трансформациясини вужудга келтирди. Ушбу жараёнларни иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш давр талаби ҳисобланади. Қайд этилган фикр-мулоҳазалар биргаликда иқтисодий муносабатлар тизимига инновацияларни жорий қилиш билан бир қаторда Ўзбекистонда рақамли маконни шакллантириш, ҳамда рақамли иқтисодиётни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан илмий тадқиқ этиш заруратини белгилаб беради. Қолаверса, бугунги кунда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва такомиллаштириш масалалари ҳар бир ривожланиб бораётган давлатнинг устувор ва муҳим вазифасига айланиб бораётганлиги таъкидланади. Иқтисодиётни билмасдан унинг қонун-қоидаларини ўрганмасдан туриб, бу тизимда яшаш ва камол топиш мушкул иш эканлиги тушунтирилади. Бунинг учун “Тадбиркорлик асослари” фанини пухта ўрганиш лозимлиги уқтирилади. 4-5 нафар ўқувчилардан фанни ўрганишдан қандай натижалар кутаётганлари ҳақида сўралади.

Дарсга якун ясаш ва баҳолаш.

Дарсга фаол қатнашган ўқувчилар аниқланади ва баҳоланади.

5. Уйга вазифа.

1. Дарсликнинг 27-мавзусини мустаҳкамлаш учун 1-,2-,3-саволлар берилади.

2. “Биласизми?” бандидаги жумлани ўқиб ёдда тутиш таъкидланади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон



Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳақида қисқача сўзлаб беринг.

2. Ҳар бир фуқаро учун рақамли иқтисодиётни ўрганиш ҳаётий зарурият эканлигини учта далил ёрдамида асосланг.

3. Инновация ғоялари нима ва улар қандай пайдо бўлади?

4. “Рақамли иқтисодиётнинг имкониятлари, истиқболлари” мавзусида 2-3 бетли вазифа тайёрлаб ёзиб келиш.